

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТОШБОЕВ БОБОМУРОТ ЭШБОЕВИЧ**

**МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Тошбоев Бобомурот Эшбоевич**

Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий  
масалалари.....5

**Тошбоев Бобомурот Эшбоевич**

Социально-философские вопросы формирования и совершенствования  
национального характера.....18

**Toshboyev Bobomurot Eshboyevich**

Social-philosophical problems of forming and developing of national  
character.....33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of publications

Список опубликованных работ.....37

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТОШБОЕВ БОБОМУРОТ ЭШБОЕВИЧ**

**МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Fal135 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида samdu.uz «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Очилова Бахти Муродовна**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Норкулов Дўсмурод Тошпўлатович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Худойбердиев Исматулла Эгамбердиевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@ samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**А.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Ш.С.Кушоков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда миллий ўзига хосликни асраб-авайлаш нафақат миллатларнинг яшаб қолишини таъминловчи омил, айни пайтда маънавий-ахлоқий муносабатларни тартиби солувчи восита, маънавий жараёнларни юксалтириш усули сифатида тан олинган. Бугунги кунда шиддат билан кечеётган маданий яқинлашув маънавий-ахлоқий қадриятларга, айниқса, халқларнинг миллий характерига таъсир кўрсатмоқда. Натижада, мазкур жараённи фаол бошқаришга интилаётган давлатлар ягона умумжаҳон маданиятини шакллантиришга уринмоқда. Бунинг оқибатларидан хавфсираётган миллатлар эса, миллий ўзига хослигини асраб қолишга интилишни кучайтирум оқибатларни сақлаб қолиш аҳамиятига кўра бошқа глобал муаммолардан қолишмайдиган жаҳон миқёсидаги масалага айланди.

Жаҳон илм-фанида миллатларнинг ўзига хослигини ифода этувчи миллий характерни тадқиқ этиш, унинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Миллий характер бир қанча фанларнинг кесищув нуқтасида ўрганаладиган ижтимоий ҳодиса бўлғанлиги боис унга комплекс ёндашиш зарур. Бунга файласуфлар ва этнопсихологлар билан бир қаторда бошқа фан мутахассисларини: этнологлар, тарихчилар, адабиётшунослар, лингвистлар, санъатшуносларни жалб этиш тақозо этилади. Шу жиҳатдан миллий характерни ўрганиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида миллат ва унинг ўзига хос жиҳатларини ифода этувчи миллий тил, миллий ўзликни англаш, миллий қадриятлар ва миллий тарихни ўрганиш ҳамда ундан жамоатчиликни хабардор қилиш борасида маълум муваффақиятларга эришилди. Лекин, миллий-маънавий тикланиш жараёнида миллий характер муҳим ўрин эгалласа-да, бу масалада жиддий фалсафий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боис миллий характернинг миллат ҳаётидаги ўрни ва вазифалари, уни шакллантирувчи ва такомиллаштирувчи институтлар фаолияти ва глобаллашув жараёнларидағи турли таҳдидлардан ҳимояланишда миллий характернинг роли кабиларни чуқур тадқиқ этиш муҳим масалалардан бири саналади. Зоро, «...«оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оиласи қадриятларга путур етказмоқда»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан миллий характердаги ижобий фазилат ва хислатлар ўзаро ўйғунлигини таъминлаш ҳамда уларни такомиллаштириш хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон, Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. 505-б.

Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида»ги ПҚ-3138-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>1</sup>га оид ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4944-сон фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллатларнинг вужудга келиши, миллий онг ва ўз-ўзини англаш масалалари жаҳон илм-фанида қадимдан ўрганиб келинган. Айниқса, XX асрда миллатлараро муносабатлар бўйича кўплаб асарлар нашр этилган. Аммо, муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, миллий характер, унинг моҳияти ва мазмуни, ривожланиш динамикаси ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан шу пайтгача мукаммал тадқиқ этилмаган. Ушбу соҳани ўргангандек кам сонли олимлар қаторига Фарбда Маргарет Мид, Рут Бенедикт, Клайд Клакхон, Россияда И. Кон, Ю.Бромлей, Э.Баграмов, Қозоғистонда Н.Жандильдин ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шахс миллий характеридаги хусусиятлар, фазилатлар билан бирга кусур ва иллатларнинг ёнма-ён келишида эътиқод, диний қараш, расм-русларнинг ўрни, хусусан, унинг Марказий Осиё халқларидаги ментал жиҳатлари Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Л.П.Потапов, Т.С.Саксанов, В.Л.Огудин, М.Бекмуродов, З.А.Авганова, Ш.Мадаева изланишларида тадқиқ этилган. Биз тадқиқ этаётган мавзунинг ижтимоий психологияга оид масалалари М.Маматов, В.Каримова, Б.Ботиров тадқиқотларида ёритилган.

Миллий характернинг таркиб топиши ва такомиллашувидағи маънавий-ахлоқий омиллар, урф-одат, анъана, маросимларнинг ўзига хос таъсири масалалари ва ўзбек миллий характерининг ғоявий-мафкуравий асослари каби муаммолар Б.Хамрақулова, С.Атамуротов, З.Хайтов, Б.Очилова,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // расмий нашр// Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент.: Адолат, 2017. 26- б.

И.Худойбердиев, М.Қурунов, А.Аманлаев<sup>1</sup> ва бошқаларнинг ишларида қисман ёритилган.

Аммо юқоридаги ишларда шахс миллий характери, унинг такомил босқичлари, шаклланишидаги мухим компонентлар, глобаллашув жараёнининг миллий характерга таъсири каби муаммолар алоҳида фалсафий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика институтининг «Миллий демократик тараққиёт, баркамол авлод тарбияси ва фалсафа» мавзусидаги режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий характер, унинг шаклланиши ва такомиллашиши ҳамда миллий характернинг миллий менталитет, миллий қиёфа, индивидуал ва ижтимоий кайфият, урф-одат ва анъаналар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш, шулар орқали миллий характернинг миллат хаётидаги ўзига хос ўрнини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

миллий характернинг ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланиш хусусиятларини кўрсатиш ва у билан боғлиқ асосий тушунчалар ҳамда унинг компонентлари ҳақидаги қарашларни такомиллаштириш;

шахс миллий характери шаклланиши ва такомиллашиб боришининг ўзига хос хусусиятларини илмий изчилликда кўрсатиб бериш;

миллий характернинг миллий менталитет, миллий қиёфа, индивидуал ва ижтимоий кайфият ва табиий омиллар билан ўзаро алоқадорлигини илмий асослаб бериш;

глобал жараёнларнинг шахс миллий характерига ўтказадиган ижобий ва салбий жиҳатларини таққослаб чиқиш;

миллий характернинг барқарорлигини сақлаш, ундаги фазилатларни такомиллаштиришда таълим-тарбия жараёни, оиласиб мухит, жамоатчилик таъсирининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаб бериш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида миллий характернинг ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланиш ва такомиллашиб хусусиятлари танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалаларини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усувлари.** Диссертацияда илмий билишнинг обьективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби методларга таянилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий характернинг миллатга хос бўлган тил, урф-одат ва анъаналар, қадриятлар ҳамда менталитетни сақлаш, қайта ишлаш ва такомиллаштириш хусусияти аниқланган;

<sup>1</sup> Уларнинг асарлари диссертация охира “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

миллий характер структурасига кирувчи хулқ-атвор, урф-одат, эҳтиёж ва дид каби элементларнинг диний маданият унсурлари билан уйғунлашиши асосланган;

миллий характернинг миллий менталитет, миллий қиёфа, индивидуал ва ижтимоий қайфият ва табиий омиллар билан детерминистик алоқадорлиги очиб берилган;

ўзбек миллий характеридаги бунёдкорлик, консенсуслик, жамоавийлик, толерантлик каби ментал хусусиятларнинг иктиносидий фаолликка таъсири кўрсатиб берилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг омиллари ва унга таъсири этувчи компонентларга доир илмий-назарий холосалар умумлаштирилган ҳамда конкретлаштирилган;

миллий характер шаклланишининг умумназарий асослари ва имкониятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан такомиллаштириш механизmlари аниқланган;

ишининг натижаларидан давлат органлари ва соҳага доир ташкилотлар дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланилган;

миллий характерда мавжуд урф-одат ва анъаналардан таълим-тарбия ва ижтимоий амалиётда кенг фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан жумладан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли холоса, таклиф, тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан глобал ўзгаришлар шароитида миллий характерни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш омилларини кенг ўрганиш ва бу борада амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги унинг илмий аҳамиятини ифодалайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, унинг натижалари асосида берилган таклифлар ва амалий тавсиялардан ёшларда миллий характерни шакллантириш, маънавият ва маърифат соҳасини самарали ривожлантириш бўйича тайёрланган комплекс чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалаларини ўрганиш асосида:

миллий характернинг миллий менталитет, миллий қиёфа, индивидуал ва ижтимоий қайфият, урф-одат ва анъаналар билан детерминистик алоқдорликда такомиллашиб бориши ҳақидаги холосаларидан Ўзбекистон ёшлар

иттифоқи Жиззах вилояти Кенгашининг 2017 йил 2- ярим йиллик учун тузилган иш режасининг 60-, 73- бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 1 ноябрдаги 04-13/5685-сон маълумотномаси). Мазкур йўналишдаги илмий хулоса ва амалий тавсияларнинг қўлланилиши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг маънавий-маданий салоҳияти қўтарилишига хизмат қилган;

ўзбек миллий характеридаги бунёдкорлик, консенсуслик, жамоавийлик, толерантлик ва тадбиркорлик каби ментал хусусиятларни тадқиқ қилиш орқали жамоатчиликда миллий ғоя ҳақида тасаввурларнинг кенгайиши тўғрисидаги назарий хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2016-2017 йилларда амалга оширган фундаментал лойиҳаси доирасида: И-2016-1-33 «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириши» мавзусидаги фундаментал лойиҳасини амалга оширишда ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилоят бўлимининг 2018 йил учун тузилган иш режасининг II. 2.18, VII. 7.46 бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01/09-1208-18-сон маълумотномаси). Диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ғоялар ёшларда миллий урфодат ва маросимларга аксиологик муносабатни, масъуллик ҳиссини тарбиялашга амалий қўмак берган;

миллий характер шаклланиши ва такомиллашувига таъсир этувчи институтлар фаолиятини миллий характер структурасини ташкил этувчи элементлар орқали янада ривожлантиришга доир таклифлар ва тавсияларидан «Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи»нинг 2018 йил учун тузилган йиллик режаси II.17. банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-11-08-7826-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар музей ходимлари ва унга ташриф буюрувчиларда миллий характер билан боғлиқ миллий менталитет, миллий қиёфа, миллий психология ва миллий ўзликни англаш ҳақидаги назарий билимларнинг ортишига самарали таъсир қилган;

мустакиллик йилларида миллий ахлоқий қадриятлар тизимида содир бўлган ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий ҳамда мафкуравий ўзгаришларнинг шахс миллий характерида намоён бўлиш хусусиятларига оид илмий тадқиқот натижаларидан Жиззах вилоят «Истиқбол» минтақавий тадқиқот марказида «Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини қучайтириш» деб номланган 46-11/50 сонли фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган («Истиқбол» минтақавий тадқиқот марказининг 2018 йил 12 январдаги 1-сон маълумотномаси) ва тадқиқот натижалари грантнинг 8-бандида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга назарий асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 15 та Республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти, предмети, усуслари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Миллий характер такомиллашуви ни тадқиқ этишнинг ижтимоий-фалсафий асослари»** деб номланган бўлиб, у уч қисмдан иборат. Ушбу бобнинг «Миллий характер тушунчасининг илмий-назарий ва ижтимоий-фалсафий талқини» деб номланган биринчи параграфида миллий характер мураккаб тушунча эканлиги, унда халқнинг тарихий, фалсафий, иқтисодий, диний, психологик, ахлоқий, эстетик, бадиий фаолиятлари уйғунлашиши ва у муайян халқнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини, унинг хатти-ҳаракати йўналишини, идеалини белгилаб, одамларнинг миллат ҳолида бирикувини ифодалаши очиб берилган.

Ушбу бўлимда таъкидланганидек, миллий характер тузилиши ва унинг таркиб топиши мураккаб жараён ҳисобланади. Шу боис баъзи бир олимлар миллий характернинг ижтимоий воқелик сифатида мавжудлигига шубҳа билан қарайдилар. Жумладан, Г.Б.Глезерман ва И.С.Королёв тадқиқотларида ана шундай ёндашувни кузатиш мумкин<sup>1</sup>. Тадқиқотчилар Ю.И.Семенов<sup>2</sup>, И.С.Конлар<sup>3</sup> эса миллий характерни фақат психологик воқелик сифатида эътироф этадилар. Унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асослари мавжудлигини тан олмайдилар. Тадқиқотда миллий характерни фақат психологик жараён ёки фақат ижтимоий-маданий тараққиёт маҳсули сифатида бу омилларни бир-биридан ажратиб ўрганиш илмий жиҳатдан ҳаққоний натижаларга олиб келмаслиги асослаб берилган ва унинг мавжудлик факти эътироф этилган.

<sup>1</sup> Глезерман Г.Б. Классы и нации. – М., 1977; Королёв И.С. Вопросы этнопсихологии в работах зарубежных авторов. – М., 1970.

<sup>2</sup> Семенов Ю.И. Как возникло человечество. – М., 1968. С.62.

<sup>3</sup> Кон И.С. Открытие «Я». – М., 1978. С.41.

Миллий характер аниқ ижтимоий-фалсафий категория бўлсада, у бир қатор мураккаб тарихий, маданий, ахлоқий ва психик жараёнлар билан боғлиқлиги боис унга илмий таъриф бериш мураккаб. Ушбу муаммо билан шуғулланган ҳорижлик ва республикамиз тадқиқотчиларининг миллий характер ҳақидаги назарий қарашлари таҳлилидан келиб чиқиб, миллий характер тушунчасига қуидагича таъриф берилди.

«Миллий характер – миллат босиб ўтган узоқ тарихий тажриба, уни ўраб турган ижтимоий-иктисодий, маданий мухит таъсирида шаклланган, миллатнинг қалби, руҳига синган ва унинг менталитетини, тафаккур тарзини, ўзига хослигини, урф-одатини, дид ва орзуларини ифода этувчи ва замон руҳига ҳамоҳанг такомиллашиб борувчи типик хусусиятлар мажмуасидир».

Ушбу таъриф мантиғидан келиб чиқиб, тадқиқотда миллий характернинг феноменал ҳодиса сифатида ботиний ва зоҳирий хусусиятларини тавсифлаб унинг ботиний асоси инсон руҳияти, қалbidаги туйғуларда акс этса, унинг зоҳирий томони жамиятнинг барча ҳаёт соҳаларида намоён бўлади, деган умумназарий хulosага келинди.

Мазкур бўлимдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, унда бирор ҳалқнинг миллий характери ҳақида тасаввурга келиш учун унинг тили, дини, тарихи, маданияти, ижтимоий ҳаёти, расм-русум ва анъаналарини ўрганиш лозимлиги таъкидланган. Шу билан бирга диссертацияда миллий характер муаммосини муайян миллатнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси ва тафаккур тарзини инобатга олувчи фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категориясига асосланган холда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деган хulosага келинган.

Миллий характерни образли тарзда бирор тарихий сюжет деворида акс эттирилган тасвирга ўхшатиш мумкин. Агар охирги тасвир ўчириб ёки сидириб ташланса, унинг остидан аввалги даврда авлодлар томонидан чизилган, яратилган тасвирлар изи кўринганидай ва бу тасвирларнинг барчаси ўзининг умумий маъно-мазмуни ва руҳи, холати билан шу деворнинг бадиий-эстетик ечимларидан дарак берганидай, миллий характернинг кўпқатламли тузилмаси ҳам ана шундай мураккаб тизимни ташкил этади.

Бобнинг «Миллий характер шакланишининг тарихий, ижтимоий-фалсафий ҳамда методологик асослари» деб номланган иккинчи параграфида миллий характернинг категориал ҳодиса сифатида шакланиш хусусиятлари шахс маънавий-ахлоқий фазилатлари билан алоқадорликда тадқиқ этилган.

Айни пайтда тадқиқотда бугунги кунда кишиларнинг миллий қадриятларга муносабати янгича тарзда шаклланаётганлиги, бунинг замирида эса юртимизда эркин адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамлар онги-таффакури, кайфиятида ўзининг тарихий ўтмиши, қадриятларига янгича ёндашувни ҳаётий эҳтиёжга айлантираётганлиги, ана шу маънода миллий характер масаласига унинг тарбиявий таъсиричан кучига ишонч руҳи фуқароларда ортиб бораётганлиги далиллар билан асослашга ҳаракат қилинган.

Миллий характер шакланишининг табиий, тарихий ҳамда ижтимоий омилларини мазкур масалага алоқадор илмий асарлар, олимларнинг қарашлари, нуқтаи назарларини фалсафий мушоҳада қилиш асосида таҳлил этилган. Шу билан бирга миллий характерни миллий психологиянинг таркибий қисми ёки унинг маҳсули, деб қараш мавжуд назарияларда устунлиги, бу қараш назарий жиҳатдан ҳам, илмий-услубий маънода ҳам хато эканлиги очиб берилган. Миллий характер билан миллий психологиянинг фарқи кўрсатиб берилган.

Миллий характер шакланишига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий компонентлар билан бир вақтда миллий характер такомилига таъсир қилувчи элементлар: одатлар ва хулқ-атвор, одатий ва одатий бўлмаган муҳит ва ҳодисаларга муносабат, умуминсоний қадриятларга йўналтирувчи омиллар, эҳтиёж ва дид, дин ва диний ақидаларнинг ўрни тавсифлаб берилган.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи «**Менталитетдаги ўзгаришлар ва миллий характер**» деб номланади. Унда миллий характернинг ботиний хусусиятлари зоҳирий жиҳатлар билан алоқадорлиги янада мукаммалроқ очиб беришга ҳаракат қилинган.

Албатта, инсоннинг руҳияти, туйғулари унинг ботиний сифатини англатади. Ана шу ҳолат инобатга олиниб, инсон руҳиятига қучли таъсир этувчи менталитетдаги ўзгаришларнинг миллий характер шакланишига таъсири асослаб берилган. Мазкур масалани ёритишида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг «... бизнинг қадимиј ва саҳоватли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинчтотув яшаб келган. Мехмондўстлик, эзгулик, қалб саҳовати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг ҳалқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади»<sup>1</sup> - деган фикри умумназарий асос қилиб олинган ва илгари сурилган қарашларда у ўз ифодасини топган.

Тадқиқотда миллий менталитетга берилган таърифлар ва ёндошувларга асосланиб, унга илмий таъриф берилди. «Миллий менталитет – бирор миллатнинг этник тарихи, тили, диний эътиқоди, характеристи, дунёқараши, расм-руsum ва анъаналари, табиат, инсон ва жамиятга бўлган муносабатини ифодалайдиган турмуш ва тафаккур тарзидир».

Ушбу бўлимда таъкидланганидек, менталитет гарчи инсон ва инсоният бутунлигининг индивидуал ифодаси сифатида ҳам консерватив, ҳам прогрессив хусусиятга эга: консервативлиги унинг анъаналар, узок ижтимоий-тарихий жараёнлар маҳсули ва давоми эканлигида, прогрес-сивлиги эса ҳар бир шахс, миллат ва элатларнинг умумбашарий ижтимоий-маънавий жараёнларга, умуминсоний тараққиёт тамойилларига бефарқ бўлмаслигида намоён бўлади. Шу билан бирга миллий менталитет миллий характерга нисбатан кўпқатламли маънавий бирлик бўлиб, миллий характер намоён бўлиши ва амал қилишининг асосини ташкил этади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. 295- б.

**«Миллий характернинг ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар билан алоқадорлиги»** деб номланган диссертациянинг иккинчи боби учта параграфдан иборат. Мазкур бобнинг биринчи параграфи «Шахс маънавий қиёфаси ва миллий характер» деб номланган. Унда маънавий қиёфанинг шаклланиши бевосита миллий характернинг таркиб топиши билан алоқадорлиги, ижтимоий қиёфанинг шахс маънавий қиёфаси билан ўзаро боғлиқлиги, миллий характер такомилида миллий ғуур ва миллий ўз-ўзини англаш, маънавий қиёфасизликдан сақланиш омили эканлиги ҳақидаги масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур параграфда глобаллашув ва маданий интеграция жараёнлари ҳар бир шахснинг дунёқараси ва ижтимоий ҳамда маънавий қиёфасига ўз таъсирини узлуксиз ўтказиб бораётганлиги, шу боис халқимиз дунёқарасида собиқ тузум давридаги ижтимоий жараён ва муносабатларда сақланиб қолган стереотиплар, одатлар, янгиланаётган ҳаёт шароитидаги ўзига хос анъаналар маданий ҳамда ахборот коммуникациялар таъсирида ўзаро омихталалишиб, ижтимоий-маънавий қиёфадаги ва миллийликдаги даврий ўзгаришлар ифодаси сифатида намоён бўлаётганлиги илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

Тадқиқотда миллий қиёфа ва характерга ўзгача сайқал берувчи, имон-эътиқод ва диний-ахлоқий қадриятларнинг хукмрон мафкура таъсирида камситилиши ва уларни халқ ижтимоий турмушидан сиқиб чиқаришга уринишлар ҳам миллий қиёфасизликни юзага келтириб, миллатга хос бўлган ижтимоий қиёфа ва миллий характернинг том маънода такомиллашувига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши ҳақида фикр юритилган.

Мазкур параграфдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, унда шахс ижтимоий-маънавий қиёфасини белгиловчи омил – бу миллий ўзига хосликни англатувчи ўзбекона феъл-атвор, ўзбекчилик билан боғлиқ таомилларнинг миллий қиёфани сақлашдаги ўрни ҳақида тўхталинган. «Ўзбекчилик» шахс ижтимоий-маънавий қиёфасида устувор аҳамият касб этса-да, аммо бу тушунчани изоҳлашда ёндашув ҳамда қарашлар турфа хилликка эга эканлиги ва кундалик онгда у ҳақида нотўғри тасаввурлар шакллангани асосланган.

Бобнинг «Шахс миллий характери шаклланишида ижтимоий омилларнинг ўрни» деб номланган иккинчи параграфида шахс миллий характерининг ўзига хос сифат кўрсаткичлари, уни ташкил этувчи муҳим ижтимоий, маънавий-руҳий омиллар алоқадорлигини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг янги жамиятни барпо этишда жамият фуқароларининг маънавий-руҳий эҳтиёжлари, кайфияти ҳамда миллий характернинг асоси, туб мағзини ташкил этувчи миллий-тариҳий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини ва кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга олиш<sup>1</sup> ҳақидаги гояси назарий ва методологик асос қилиб олинган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат ва мафкура. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. 11- б.

Мазкур масалани тадқиқ этишда миллий характер, миллий менталитеттинг янги қирралари шакланиши ва ривожланиши миллат ҳамда жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқлиги шу билан бирга ижтимоий-иктисодий, маънавий ўзгаришлар ижтимоий кайфиятнинг ўзгаришига, ижтимоий кайфият эса шахс, миллат турмуш ва тафаккур тарзидаги ўзгаришларга олиб келади деган хулосага келинган.

Бобнинг «Миллий характер такомиллашуvinинг урф-одат ва анъаналар билан боғлиқлиги» деб номланган учинчи параграфида халқимизнинг азалий, ҳаётбахш қадриятлари, урф-одат, анъана ва маросимларидағи инсонпарварлик тамойиллари, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожи, истиқболига у орқали эса шахс маънавий қиёфасига ва у билан боғлиқ миллат характерига ижобий таъсир ўтказувчи омиллар моҳияти ёритилган. Шу билан бирга урф-одатларга муносабатнинг Farb дунёси ва Шарқ ахлоқий мұхитидаги ҳолатлари қиёсий ўрганилиб, уларнинг шахс амалий фаолияти, тарбияси ва дунёқарашига бугунги кунда ўтказаётган таъсирининг ўзига хос томонлари таҳлил этилган.

Мазкур параграфда ана шу ғоянинг моҳиятини очиб бериш мақсадида, урф-одат ва анъаналар ҳамда миллий характернинг ўзаро алоқадорлигига тұхталинган. Миллий характернинг миллий анъаналар, удумлар, халқ хунармандчилеги, касбкорлик билан боғлиқ томонлари тадқиқотда атрофлича ўрганилган.

Диссертациянинг сўнгги учинчи боби **«Глобаллашув жараёнида шахсда миллий характер барқарорлигини таъминлаш зарурияти»** деб номланади. Мазкур бобнинг «Глобаллашув ва унинг миллат ижтимоий-маънавий ҳаётига таъсири» деб номланган биринчи параграфида бугунги давримизнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий, маданий ҳамда мағкуравий жараёнларига нафақат сезиларли таъсир ўтказаётган, күп ўринларда бу жараёнларнинг моҳияти, мазмунини белгилаб берәётган глобаллашув ҳодисасининг, аввало, жамият ривожининг субъектив асоси бўлган шахс миллий характерига ўтказаётган таъсири масаласи тадқиқ этилган. Диссертант миллий характерни, замонавийлик билан боғлар экан, XXI асрда дунёда глобаллашув жараёни тобора авж олаётганлиги унинг ижобий таъсири билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали кишилар маънавий оламига кўрсатаётган салбий жиҳатлари, уларнинг одоб-ахлоқимизга зид томонларини таҳлил қилган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **«Шахс миллий характеридаги ўзгаришларнинг глобал жараёнлар билан боғлиқлиги»** масаласини ёритишига қаратилган бўлиб, унда миллий характернинг глобал ҳодисалар билан боғлиқ ижобий жиҳати, цивилизациялараро мулоқат дунё халқлари орасида уйғунлашиб бориши оқибатида халқларни ирқи, диний эътиқоди асосида дифференциялашга уринишлар тобора барҳам топиб бораётганлиги кишилараро тафовутлар факат уларнинг билим савияси, иқтидори бўйича фарқлаш ҳодисаси юзага келганлиги билан изохланса, дифференцияяга тескари муносабатнинг салбий жиҳатлари жаҳон халқлари ўртасида

«маданиятларни яхлитлаштириш», миллий характерда бекарорлик, миллий ва ижтимоий қиёфасизликка йўл очишга уринишлар билан тавсифлаш мумкинлиги асосланган.

Ушбу бобнинг «Шахс тарбиясида миллий характерни мустаҳкамлаш масалалари» деб номланган учинчи параграфида шахс тарбиясида миллий характернинг барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда таълим муассасалари, оила, маҳалла ва бошқа ижтимоий институтларнинг ўрни ҳамда таъсири ўрганилган ва қуидаги холосага келинган:

*биринчидан*, шахс миллий характери туғма эмас, у миллий ҳаёт, ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия воситалари орқали шаклланади ва ижтимоий-индивидуал аҳамият касб этади;

*иккинчидан*, шахс миллий характери ҳаёт тарзи тақозо этган ва тарихан шаклланиб, такомиллашиб келаётган оила, таълим-тарбия тизими, маҳалла, диний ва дунёвий расм-русум ва анъаналар, миллий байрам ва тантаналар, жисмоний тарбия, адабиёт ва санъат, миллий ғоя ва умумбашарий маънавий-ахлоқий қадриятлар таъсирида шаклланади ва мустаҳкамланади;

*учинчидан*, мустақиллик туфайли миллий характер тарбияси ва уни мустаҳкамлаш мезонлари миллий ва умуминсоний фазилатлар уйғунлиги асосида олиб борилмоқда. Миллий характер тарбияси миллий ўзликни англашнинг асосий воситаларидан бирига айланди.

## ХУЛОСА

«Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалалари» мавзусидаги диссертация тадқиқоти бўйича олиб борилган ишлар натижасида қуидаги холосалар тақдим этилди:

1. Миллий характер ижтимоий ҳодиса сифатида халқнинг босиб ўтган узоқ тарихи, табиий муҳит ва турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсири натижасида шаклланади.

2. Миллий характер шаклланиш динамикасида ижтимоий асослар: халқ ҳаёти, турмуш тарзи, адабий мероси, маънавий қадриятлари, анъана, расм-русум, жисмоний, ақлий ва ахлоқий камолотга интилиш эҳтиёжи билан боғлиқ жиҳатлар муҳим ўрин эгаллайди.

3. Миллий характер қабила, элат ва халқларнинг миллат сифатида шаклланганидан сўнг миллат ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзини ифодаловчи маънавий қадрият сифатида намоён бўлади.

4. Миллий характер муаммосининг мураккаблиги шундаки, агар бирор фазилат, хусусиятлар муайян миллат учун характерли деб қаралса, худди шундай хусусиятлар бошқа миллатларда ҳам учрайди. Демак, миллий характерда бирор хислат ва фазилатни мутлоқлаштириш эмас, балки умумбашарий инсоний фазилатларнинг турли миллатлардаги кўриниши ва нисбатан кучлироқ намоён бўлиши сифатида қараш лозим.

5. Миллий характер умумбашарий руҳий-маънавий ва ижтимоий-маданий тараққиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг ўзига хос

хусусияти, тараққиёт тамойиллари фақат фалсафанинг умумийлик, алоҳидалик ва ягоналик категорияси асосидагина тадқиқ этилиши объектив хулосаларга олиб келади.

6. Миллий характер гарчи тарихан шаклланган бўлса-да, у ижтимоий шарт-шароитларга монанд амал қиласди. Ижтимоий муҳит ва миллат идеалларининг ҳаётдаги ўрни ва мавқеига қараб ўз моҳиятини ифода этади. Шунга кўра, у тарихий шарт-шароитга қараб ўзгариши ёки камситилиши мумкин. Фақат миллат мустақиллигигина миллат характерининг том маънода эркин намоён бўлишига имкон яратади.

7. Миллий характер миллат бирлиги ва тараққиёт омили сифатида «ҳимоя механизми» вазифасини бажариб, умумбашарий хилма-хиллик ва инсонийлик бирлигини сақлашда катта аҳамиятга эга.

8. Инсон маънавияти қанчалик миллий қадриятлар билан йўғрилган бўлса, миллий характернинг ижтимоий-маънавий мазмун-моҳияти ҳам шунчалик теран тус олади.

9. Миллий қиёфа миллий характер сифатини кўрсатувчи ўзига хос барометр вазифасини ўтайди ва шунга кўра, турмуш тарзининг барча жабҳаларида шахс ижтимоий-маънавий қиёфасини мукаммал тарзда шакллантиришга эришишнинг ҳам назарий, ҳам илмий-амалий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

10. Миллий характер ва миллий менталитетнинг янги қирралари шаклланиши ва ривожланиши миллат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ. Ижтимоий-иктисодий ва маънавий ўзгаришлар ижтимоий кайфиятнинг ўзгаришига, ижтимоий кайфият эса шахс ва миллат турмуш ва тафаккур тарзидаги ўзгаришларга олиб келади.

11. Миллий характер учун ҳозирги кунда энг хавфли нарса – бу айрим ёшлар характеристи, одати ва эҳтиёжларида ғарбда авж олган стилистик кийиниш, муомалада ўта эркинлик ва моддий бойлика ружу қўйиш, қотиллик, гиёҳвандлик, фаҳш сингари иллатларга кўр-кўrona тақлид аломатларининг учраб қолишидир. Бундай ҳодисалар, шубҳасиз, миллий характер моҳияти, мазмуни ва анъанавий кўринишларига салбий таъсир этади.

12. Мамлакатимиз ва халқимиз учун глобаллашув туфайли мақбул ва фойдали бўлган жараёнлар қатори миллий ўзлигимизга рахна солувчи таҳдидлар ҳам кириб келмоқда. Шунинг учун миллий ўзликни сақлаб қолувчи, миллий характер ва менталитетимизни янада мустаҳкамловчи ижтимоий-иктисодий ва маънавий омилларга эътиборни кучайтириш бугуннинг долзарб назарий ва амалий вазифасига айланди.

13. Инсоният, бир томондан глобаллашув шароитида улкан ижтимоий тарихий бўхрон қуршовида яшашга мажбур бўлса, иккинчи томондан, глобал тафаккур юритиш зарурияти миллий турмуш тарзи ва миллий характерга ўзгача қарап, ўзгача муносабатда бўлишни тақозо этмоқда. Шу боис объектив равишда миллий қадриятларимиз ва миллий маънавий меросимизга бўлган қизиқиши, хурмат ва эътибор янада кучайди.

14. Миллий характерни тарбиялаш ва мустаҳкамлаш ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик түйғуларини күчайтиради, уларда ўзликни англаш ҳамда фуқаролик жамиятини куриш йўлидаги масъулиятини ҳис қилиб, эркин фикрлаш салоҳиятини чуқурлаштиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  
**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

---

**ТОШБОЕВ БОБОМУРОТ ЭШБОЕВИЧ**

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ И  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2018**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.4.PhD/Fal135.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) а также в информационно-ресурсный портал «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Очилова Бахти Муродовна**  
доктор философских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Норкулов Дусмурод Тошпулатович**  
доктор философских наук, профессор

**Худойбердиев Исматулла Эгамбердиевич**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ферганского государственного университета**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандинском государственном университете в \_\_\_\_\_ часов «\_\_\_\_\_» 2018 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандинского государственного университета (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» 2018г.  
(Протокол № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» 2018г.)

Б.О.Тураев  
председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д. филос.н.,  
профессор

А.Самадов  
ученый секретарь научного совета, по  
присуждению ученых степеней, к. филос.н.,  
доцент

Ш.С.Кушоков  
председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д. филос.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

Сохранение национальной самобытности признается в мире не только как фактор, обеспечивающий жизненность наций, но в то же время как средство регулирования духовно-нравственных отношений, метод возвышения духовных процессов. В настоящее время интенсивно протекающий процесс культурного сближения оказывает воздействие на духовно-нравственные ценности, особенно, на национальный характер. В результате этого государства, стремящиеся активно управлять данным процессом, пытаются сформировать единую общемировую культуру. А нации, опасающиеся последствий этого процесса, усиливают стремление к сохранению своей национальной самобытности. В этих условиях сохранение национальной самобытности и совершенствовавшегося в продолжении столетий национального характера становится проблемой, по значению ничем не уступающей другим глобальным проблемам.

В мировой науке исследование национального характера, выражающего самобытность нации, изучение его социально-философских аспектов имеет важное научное и практическое значение. Национальный характер является общественным феноменом, который изучается на стыке нескольких наук, поэтому к нему необходим комплексный подход. Для этого требуется привлечение, наряду с философами и этнопсихологами, также и специалистов других наук, в том числе этнологов, историков, литературоведов, лингвистов, искусствоведов и других. С этой точки зрения изучение национального характера является одним из перспективным направлением социально-гуманитарных наук.

В годы независимости достигнуты определенные успехи в изучении национального языка, национального самосознания, национальных ценностей и национальной истории, выражающих самобытность и неповторимость нации, а также информирования общественности о об этом. Однако, несмотря на то, что национальный характер занимает важное место в процессе национально-духовного возрождения, этот вопрос не был подвергнут серьезному философскому исследованию. Поэтому одной из важных задач является глубокое исследование места и функций национального характера в жизни нации, деятельности формирующих и совершенствующих его институтов и роли национального характера в защите от различных угроз, порождаемых процессами глобализации. Ибо, «все более усиливаются такие угрозы, как «массовая культура», наносящие ущерб убеждениям, семейным ценностям, которым человечество следовало в продолжении веков»<sup>1</sup>. С этой точки зрения возникает необходимость обеспечения взаимной гармонизации положительных качеств и свойств национального характера, изучения особенностей их совершенствования.

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Узбекистон, 2017. 505-б.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит выполнению задач, определенных в Законе ЗРУз №406 «О Государственной молодежной политике», принятом 14 сентября 2016 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3138 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности союза молодежи Узбекистана» от 18 июля 2017 года, № ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии на новый уровень развитие сферы» от 28 июля 2017 года, Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах» от 7 февраля 2017 года, УП №4944 «О мерах по дальнейшему совершенствованию института махалли» от 3 февраля 2017 года, а также других нормативно-правовых актах, связанных с данной сферой.

**Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с основными направлениями развития науки и технологии Республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень разработанности проблемы.** Вопросы возникновения наций, национального сознания и самосознания в мировой науке исследовались с давних времен. Множество трудов по межнациональным отношениям было опубликовано, особенно, в XX веке. Однако национальный характер, его сущность и содержание, динамика его развития, несмотря на всю свою важность и актуальность, не были в полном объеме исследованы с позиции социальной философии. К числу немногочисленных ученых, изучавших данную сферу, можно отнести на Западе Маргарета Мид, Рута Бенедикта, Клайда Клакхона, в России И.Кона, Ю.Бромлея, Э.Баграмова, в Казахстане Н.Джандильдина и еще некоторых других.

В трудах Г.П.Снесарева, В.Н.Басилова, Л.П.Потапова, Т.С.Саксанова, В.Л.Огудина, М.Бекмуродова, З.А.Авгановой, Ш.Мадаевой исследованы особенности, качества национального характера личности, место верований, религиозных взглядов, обычаяев и обрядов в симбиозе положительных качеств с изъянами и отклонениями, в частности, ментальные аспекты национального характера народов Центральной Азии. Социально-психологические вопросы, связанные с исследуемой нами темой, освещены в исследованиях М.Маматова, В.Каримовой, Б.Ботирова.

Вопросы своеобразного влияния духовно-нравственных факторов, обычаяев, традиций и обрядов на становление и совершенствование национального характера, и такие проблемы, как идеологические основы узбекского национального характера частично освещены в работах Б.Хамракуловой, С.Атамуратова, З.Хайтова, Б.Очиловой, И.Худайбердиева, М.Куронова, А.Аманлаева<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Их исследования приведены в «Списке использованной литературы» в конце диссертации.

Однако в вышеперечисленных трудах проблемы национального характера личности, стадии его становления и развития, важнейшие компоненты его формирования, влияние процесса глобализации на национальный характер специально не изучены в качестве объекта отдельного философского исследования.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения.** Диссертация выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Джизакского государственного педагогического института по теме: «Национально-демократическое развитие, воспитание всесторонне и гармонично развитого поколения и философия».

